ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРИ

ФАРҒОНА. Шаҳардаги ўзбек-турк эркаклар лицейи ўқувчиси Иқболжон Ортиқов Туркияда математика фани бўйича ўтказилган жаҳон олимпиадасида қатнашди. Қобилиятли бу талаба дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларидан келган энг кучли ўқувчилар бахсида шарафли учинчи ўринни эгаллади. Ўзбек ўғлонининг бу ютуғи мамлакатимизда илм-фаннинг келажаги порлоқлигидан далолат беради.

Алишер ИБОДИНОВ.

СИБИРДАН МЕҲМОН КЕЛДИ

НАМАНГАН. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев раҳбарлигида бир гуруҳ наманганликлар Новосибирск вилоятига бориб, иқтисодий-маданий ҳамкорлик бўйича шартнома тузиб келган эдилар. Куни-кеча Новосибирск вилояти губернаторининг ўринбосари В. Нехорозков етакчилигида бир гуруҳ россиялик меҳмонлар Наманганда бўлишди. Энди Наманган ва Новосибирск вилоятлари ўртасида савдо-сотиқ, тиббиёт, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқалар янада кенгаядиган бўлди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги Ҳамза ширкатлар уюшмаси механизатори Х. Жўрабеков, уюшма раиси П. Соипназаров ва 1-ширкат раҳбари А. Аъзамовлар.
Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

АВВАЛ ЎЗИМИЗГА, ОРТГАНИ ХОРИЖГА

ТОШКЕНТ. Ўзбекистонда, қолаверса Марказий Осиёда ягона бўлган "Кетгут Силик" корхонаси жарроҳликда қўлланиладиган ипларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қибрай туманида иш бошлаган мазкур корхона мамлакатимиз тиббиёти эҳтиёжи учун зарур бўлган шу турдаги маҳсулотларни бир йилда 3 миллион погон метр миқдорида ишлаб чиқаради.

Дарвоқе, бу ерда тайёрланган маҳсулотнинг асосий қисми ўзимизда, ортгани хориждаги мижозларга сотиляпти.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Қушработ тумани Очил Қодиров номли ижара хўжалиги бош чўпони Худоиназар Тўймуродов.
А. ЗОИРОВ олган сурат.

ТИНЧЛИК ЭЛЧИЛАРИ ГУЛИСТОНДА

СИРДАРЁ. Америка Қўшма Штатларидан қадимий Мирзачўл — Гулистон шаҳрига 40 нафар зиёли ташриф буюрди. Улар уч ой давомида фуқароларнинг уйларида яшайдилар, халқимизнинг тили, урф-одатларини ўрганадилар. Эътиборлиси шундаки, вилоятимизга бу қадар кўп сонли Тинчлик элчиларининг биринчи бор ташриф буюришидир.

Абдужалил УМАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 10 октябрь, пайшанба № 131 (22.052).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Янги замон одами

АБДУЛЛА ФЕРМЕР МАКТАБ ҚУРДИ

Абдулла Жўраев қатор йиллар давомида Навоий туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳисобчилик қилди. Бироқ, деҳқончиликка, пахтакорликка муккасидан кетган бу йигитга идорада диққинафас бўлиб ўтириш маъқул келмади. У ташаббус билан майдонга чиқиб хўжаликдан қарийб 30 гектар ўзлаштирилиши керак бўлган ер ажратиб олди-да, «Қаҳрамон» номидаги фермер хўжаликни ташкил этди. Самарали меҳнат натижасида ташландиқ майдонлар тез орада унумдор далаларга айланди. Қарабсизки, икки йил ўтмаёқ 12 гектар ердаги пахта, 17 гектар майдондаги ғалла кўзланган ҳосилни бера бошлади.

Оқибатда фермер хўжалиги иқтисодиёт тез орада юксалди. Маблағ бор, молиявий аҳвол яхшики, Абдулла аста-секин хайрли ишларга, саховатпешаликка ҳам қўл ура бошлади. Аввало буни бундан бир неча йиллар илгари қурилиши бошланган ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли чала ташланган 96 ўринли мактаб биносини тиклаш масаласини ўйлади. Йўқ, ўйчи ўйлагунча таваккалчи иш битирганидек, Абдулла фермер хўжалиги аъзолари билан бамаслаҳат мактаб қурилишига киришди. Ташаббускорлар маблағи ҳисобига жуда қисқа вақт ичида мактаб қурилиши тугаб, илк бор ўқувчиларни бағрига олди.

— Ҳали бу ишнинг бошланиши, — дейди тадбиркор йигит А. Жўраев. — Насиб бўлса, мактабни янада кенгайтириб, ўрта мактаб даражасига кўтарамиз. Яқин орада унда минглаб ўқувчилар таълим-тарбия олишади. Шунингдек, мактабга замонавий мебеллар ва компьютерлар олиб бориш ниятимиз ҳам бор.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркор қиёфасига бир чизги

СОАТСИЗ ИШЛАГАН БРИГАДИР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Убайдулла Акимниёзовни излаб, Тўрткўл туманининг «Мискин» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига борганимда, уни пахтани қайта ишлаш корхонасига кетди, дейишди. Ҳозир, навбатдаги ўн кунлик якунлари тўғрисида туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг уни «тутиб олганимда», гапни шундан бошладим.

— Фермерларим етиштирган пахтанинг навини туширмай топширишда мен масъулман, уларнинг меҳнатлари заррача зое кетишини истамайман, — дедилар Убайдулла ога.

Дарвоқе, мана масъулликни сезиб ишлашнинг натижаси: Убайдулла ака раҳбарлик қилаётган бригаданинг режадаги 238 тонна пахтасининг ҳаммаси биринчи навга топширилди!

— Офтоб куйдирганида ғўза гулини тўктирмай асраб қолдик. Бўлгани шу, — деди у.

Фақат шу эмасдиров, деб ўйлайман мен. Бунга Убайдулла оганинг жонсараклиги ҳам сабаб. Эҳтиёт қисм, ёнилғи, минерал ўғитларни вақтида беришмаса, зир югуради, бошқаларни ҳам югуртиради. Муҳандисни ҳам, раисни ҳам тинч қўймайди.

— Қўлингиздаги қутичадаги нима? — сўрайман Убайдулла оғадан.

— Соат. Ўн кунликда яна ғолиб бўлибмиз, мукофотга беришди.

— Балки бунда рамзий маъно бордир?

— 20 йил бригадирлик қилиб, соатсиз ишлашга ўрганганман. Барибир, бу совға менга қадрли. Даламга шошиляпман. 150 фоизга чиқамиз, бир мисқол ҳосил далада қолмайди, деб сўз берганман. Омон бўл, қизим...

Қўшимча қилмоқчиман: 20 йил бригадирлик қилиб, Убайдулла оганинг юзи бирон марта ерга қарамаган. Режалари ҳамиша 100-200 бўлган. Ҳозирча бригада топширган пахта тўрт миллион сўмлик бўпди...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Куз Марҳамат тумани деҳқонлари учун омадли келди. Давлатга 18 минг 300 тонна пахта топширилиб, йиллик режа мустақил мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарилди! Ҳар гектар ердан ўртача 27,5 центнердан ҳосил олинди. Ютуққа салмоқли ҳисса қўшган «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик 34,7, Т. Мирзаев номли хўжаликда 32,5 центнерга етди.

Зарбдорлар пахта йиғим-теримини жадал давом эттиряптилар. Яна 4 минг тонна «оқ олтин» етиштириш-деҳқонларнинг аҳди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 9 октябргача бўлган маълумот
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Андижон	1,39	80,83
Сурхондарё	1,23	69,00
Бухоро	1,00	67,52
Хоразм	1,61	66,99
Навоий	0,16	61,24
Қашқадарё	1,72	61,18
Самарқанд	0,83	60,07
Фарғона	1,08	59,54
Наманган	1,60	55,57
Тошкент	2,20	46,58
Қорақалпоғистон Республикаси	1,18	40,14
Сирдарё	1,44	31,28
Жиззах	0,84	28,92
Республика бўйича	**1,31**	**56,74**
Шу жумладан ингичка толали пахта (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	777	26171
Қашқадарё	695	7989
Наманган	—	—
Республика бўйича	**1472**	**34160**

ТОЛА ХОРИЖГА СОТИЛМОҚДА

ХОРАЗМ. Боғот пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятига ҳар куни 500 тоннадан зиёд пахта хом ашёси қайта ишлаш учун етказиб берилмоқда. Шу кунгача бу ерда 16 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» қайта ишланиб, 2 тоннадан зиёд сифатли пахта толаси олинди. Тайёр маҳсулот «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси билан ўзаро келишилган шартномалар асосида Америка Қўшма Штатлари ва Швейцариянинг кўпгина фирмаларига сотилмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Обуна — 97

«Газетамизни ўқийсизми? — Ҳа!»

Рузномани кимдир хонадонларга оқиб кирадиган нурга қиёс этган экан. Албатта, ҳар бир муштарийнинг ўз орзу тилаклари бор. Бу ҳақда Ғузор туман ҳокимининг ўринбосари А. Абдуллаев шундай деди:

— Юртбошимиз матбуот олдидаги муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Ўқувчиларнинг талаби ортган сари газета-журналларимиз ҳам юртимизда кечаётган турли хил узгаришлар билан ҳамнафас бўлишлари лозим. Ўйлайманки, «Ўзбекистон овози» бу борада дадил ҳаракат қиляпти. Яхши мақолани кашфиётга ўхшатишади. Келгуси йилда кўплаб ғузорликлар хонадонига кириб борадиган рузномани ҳам ҳар бир муштарий ўзича кашф этиши шубҳасиз.

— Корхонамизда 2000 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда, — дейди «Шуртангаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Абдуназаров. — Мамлакатдаги энг йирик корхонамиз ҳисобидан ишчи-хизматчилардан 110 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилишга қарор қилдик. Газ, конденсат, олтингугурт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш осон кечаётган эмас. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлардаги конлар ва корхоналарида ишлатилаётган мукаммал ускуналарга эга бўлиш режалари тузилган. Истардикки, газета саҳифаларида илғор тажрибаларга, ислоҳотлар йўлидаги тусиқларни бартараф этишга ҳам кўпроқ эътибор қаратилса...

— Бу йил ғалла ҳосилдорлиги 55 центнерга етди, қишлоқларимизни тула газлаштирдик, бирон ташкилотдан қарзимиз йўқ, одамлар ойлик маошларини тулиқ олишяпти, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Бола Фозилов номли жамоа раиси Б. Эшдавлатов. — Маънавият ва маърифатни ҳам эсдан чиқарганимиз йўқ. Бошқа нашрлар қатори 100 кишини «Ўзбекистон овози» рузномасига обуна қиламиз. Шу ҳақда газета таҳририяти билан шартнома туздик. Нашрлар баҳоси ошган даврда одамларни қўллаб-қувватласак ҳеч қандай зарар кўрмаймиз.

— «Ўзбекистон овози»нинг бизда ҳам ўқувчилари кўп, — дейди Касби туманидаги «Ғалаба» жамоа ширкат хўжалиги раҳбари Т. Аминов. — Бу йил ҳам обуначилар кам бўлмайди.

Бундай мулоҳазаларни Китоб тумани ҳокими У. Хидиров, Шаҳрисабз сутпишлоқ ҳиссадорлик жамияти раиси Ш. Йўлдошев ва бошқалардан ҳам эшитдик. Газетамизнинг муштарийлари мухлислари билдирилган айрим танқидий фикрларни ҳам юрак-юракдан қабул қилдик. Ҳа, газетхонларимиз олдидаги масъулият ниҳоятда катта. Ишончни эса оқлашимиз керак.

Чунки ҳамма ҳаракатимиз шу ишга — кунгилларга ёруглик, орзу-ўйлар олиб кира оладиган газета чиқаришга қаратилган. Иншоолло, ниятимиз ҳамроҳимиздир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



— Бу муборак кунларга кимлар етди, кимлар етмади, болам!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Лўқма

ЭГАСИГА ЕТГУНЧАМИ?

Зафаробод туманидаги «Уч қаҳрамон» ижара ширкатлари уюшмаси механик-ҳайдовчиси Қ. Ҳосилбеков ўзининг янги «ХНП-1,8 А» русумли терим машинасидан биринчи бункер пахтани тўкаётганида кўтарувчи цилиндр тутқичи кўчиб кетиб, бункер пахтаси билан ағдарилиб кетди.

Қуролбой ана шу 15657-сонли терим машинасини тайёрлаб, ишга чиқаришга йўллаган «Ташсельмаш» заводи мутасаддиларига «Офарин» айтиб турганида яна тўртта янги машина пайкал ичида тўхтади. Уларнинг шамол парракларига ҳаракат узатувчи ички гилдираклари ишламас экан. Начора, редукторни очиб, доимий қилиб пайвандлаб қўйишга тўғри келди. Бундай нуқсонлар бошқа туманлардаги янги машиналарда ҳам кўзга ташланмоқда. Наҳот, «Ташсельмаш»дагилар эгасига етгунча, дейишаётган бўлишса?!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛИМОННИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Газетамиз қабулхонасига Пахтачи туманидаги «Шайх» хусусий корхонаси раҳбари Саидмурод Йўлдошев жиғибийрон ҳолатда кириб келди.

— Айтинг-чи, ишбилармонни қачонгача бундай эзишади? Ердам бериш ўрнига ҳар ким ҳар томондан узиб-юлиб олсам дейди.

— Нима гап ўзи?

— Ўтган йили корхонамга тегишли, саккиз тонна майиз, тўрт ярим тонна лимон ортилган машиналарни Тошкент вилоятидаги Ғиштқўприк божхона бекати навбатчилари ноқонуний тўхтатиб, таъмагирлик қилишганди. Хайрият, қонун ҳимоячилари ёрдамида улар қўлга тушди ва ҳаракатига яраша жазосини олдилар.

— Унда яна қанақа даъвоингиз бор?

— Гап шундаки, ўша маҳсулотлар икки таъмагирнинг айби билан нобуд бўлди. Мен ана шу маҳсулот ҳисобидан 16.800 сўм давлат божи тўлаганман. Нима энди ўшанга қуйиб қолавераманми? Маҳсулотни етиштиришга ва сотиб олишга кетган маблағларчи? Уларни ким тўлайди?

— Эҳтимол, бу ҳақда тегишли ҳуқуқий идораларга мурожаат қилиш керакдир?

Мухбир бонг уради!

— Э, нимасини айтасиз, бормаган идорам қолмади. Тошкент вилоят божхонасига хатлар, даъво аризалари ёздим. Наҳотки, бировнинг айби билан шунча қилган меҳнатимиз бекор кетса? Ахир ҳазил эмас, ўша маҳсулотлар учун ўтган йили 170 минг сўм сарфлаганман. Нуфузли комиссия қонуний равишда ана шу маҳсулотлар юзасидан далолатнома тузган. Бироқ, ҳамон харажатларимни қайтариб ололмай ораман. Ваҳоланки, мен мазкур маҳсулотга Россиядан катта миқдорда ёғочтахта келтириш учун шартнома тузгандим. Бир қисмини келтиришган ҳам эди.

Дарҳақиқат, Саидмуроднинг куйинганича бор. Бу масала бир йилдан бери ингичка ичакдек чўзилиб келаётир. Ҳатто «Муштум»да (1996 йил февраль) мазкур масалага оид танқидий мақола ҳам чиққан.

Тўғри, таъмагир божхона ходимлари қилмишларига яраша жазо олди. Бироқ яхши ният билан ишга киришган кичик корхона ходимларининг чеккан азобларининг ўрнини нима билан босиш мумкин, қолаверса йўқотган маҳсулотини ким қоплайди?

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Бахт шаҳри пахта тозалаш заводи қошида янги қўшма корхона бунёд этилди. У белоруссиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда яратилди. Қўшма корхонада тўр парда ва бўзнинг икки хили ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхонада ўрнатилган 6 та замонавий дастгоҳнинг барчаси ишга туширилгач, бу ерда 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАҲ: мавсум масъулияти

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА...

Республикамизнинг азамат деҳқонлари ўз «санъат»ларини намойиш этиб, далаларни оппоқ либосга буркадилар. Ҳосилни йиғиштириб олиш эса ҳаммамизнинг бурчимиз. Қачонки, омборларимиз тўлса, «оқ олтин»нинг мисқоли ерда қолмасагина муддаога эришамиз.

Маълумки, бу палла транспортчилардан ҳам катта масъулият талаб этади. Ахир уларсиз ҳашарчиларни ташиш, пахтани манзилга элтиш ғоят мушкул. Шу боис ҳам аввалдан техникалар қайта кўрикдан ўтказилди, тахт қилинди ва ҳайдовчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилди. Давлат автомобиль назоратчилари бу тадбирларни қузатиб турдилар.

Лекин, гапни гапир уққанга... деган нақл бежиз айтилмагани тезда исботини топди. Назоратчиларимиз ўтказган рейдда белгиланган қоидаларни менсимаётганлар аниқланди.

Наманган туманидаги Шўрқишлоқ-Ғалча йўлида «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ҳайдовчиси Ҳакимжон Ҳайдаров измидаги ГАЗ-53 русумли 0209 НАЛ давлат рақамли автомашинада бир этак одамларни, қанақа аҳволда денг, гирт маст ҳолда даладан олиб қайтаётган экан. Бу 24 нафар теримчининг 5 нафари 30-мактаб ўқувчилари. Спиртли ичимлик таъсирида ўзини билиб-билмай, кўпчиликнинг ҳаётини хавф остига қўйган кишига жамоа хўжалиги раиси Абдусамат Иномов, бош муҳандис Аҳмаджон Мамажонов, автосарой раҳбари Шарифжон Эшонов қандай чора кўраркинлар?

Қизиқ, одамлар рулга ўтираётганда нега ўзининг ҳолатига эътибор бермайди, нима учун қоидалар моҳиятини англамайди? Кузатилса, содир этилаётган кунгилсиз воқеаларнинг сабабчилари аксарият ҳолларда маст ҳайдовчилар бўлиб чиқяпти. Биргина 8 ойда 2908 нафар ана шундай эркатойлар қўлга тушди. Норин савдо ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли дўкон мудири Маъруф Ботиров, шу туман Кўрғонча қишлоғида яшовчи Нурали Деҳқонов сингари ўнлаб ҳайдовчилар туппа-тузук жойларда ишлашларига қарамай, атрофдагиларга қўштирноқ ичида ўрнак бўлаётганликларини қандай тушуниш мумкин? Назаримда келажаги буюк юртимиз қадр-қимматини оёқости қиладиган шахсларга қилмишига яраша муомалада бўлишнинг айни пайти ҳозир.

Бугунги улкан пахта хирмони учун қизғин кураш давомида кимлардир далада ҳориб-чарчаб «оқ олтин» терса, кимдир чекка-чеккада «оқ ажал»ни ичиши инсофдан эмас, Уларнинг касрига бегуноҳ одамлар қолмасин. Назоратчиларимиз шу ниятни шиор қилиб, йўл кезадилар.

Раҳимжон ҚОСИМОВ,
Наманган вилояти ИИБ ДАНБ ташкилий-таҳлил бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани.

Миллий иш майдони

ҚИШЛОҚНИ САНОАТЛАШ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлисида сўзлаган нутқида «Бизнинг пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жанубий-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, АҚШ бозорига чиқиб олди» деганди. Шундай экан, нима қилсак бундан ҳам сифатли тола ишлаб чиқарамиз. Жаҳон бозорида ўз мавқемизни мустаҳкамлаймиз.

Қишлоққа саноатни олиб кириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу республикамизнинг ривожланиши билан бир қаторда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашда ҳам қўл келади. Саноатимиз, мустақиллигимиз мустаҳкамланади. Келажакда Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам пойдевор яратилади.

Бу борада Енгил ва пахта тозалаш саноат корхонасини лойиҳалаш институти «Ўзенгилсанлойиҳа» (ГПИ-4) жамоасининг олиб бораётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

— Ўтган қисқа вақтлар ичида лойиҳачиларимиз талайгина ишларни амалга оширди, — дейди институт директори Ҳотам Иноғомов. — Жамоамиз асосан пахта тозалаш заводлари ва енгил саноат корхоналарини лойиҳалашдан бошлаб, уни қуриб битказиш, ишга тушириб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнигача бўлган йўлни босиб ўтади. 1994 йилдан буён кўпгина вилоят, шаҳар, туманларда корхоналар қурдик ва маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу албатта бизнинг катта муваффақиятимиздандир. Мақсадимиз эса имкони борича хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолга келтириб жаҳон бозорига сотиш. Шундагина биз ҳар томонлама ютамиз. Валюта фондимиз ҳам мустаҳкамланади. Шу кунларда 17-20 фоизгача пахта толаси ўзимизда қайта ишланяпти. Бу бизни қаноатлантирмайди, албатта. Иккинчидан, ўзимизни бозорларни юқори сифатли маҳсулот билан таъминламай туриб, хорижга чиқишимиз қийин кечади. Қачонки 50-60 фоиз толамизни тайёр маҳсулот ҳолига келтириб хорижга сотсак мақсадимизга эришган бўламиз. Бу борадаги ишларимиз ҳам чакки эмас. Масалан, Тўйтепада Жанубий Корея билан ҳамкорликда «Қобул-Тўйтепа текстиль» қўшма корхонасини қуриш тугалланмоқда. Умумий баҳоси 70 миллион АҚШ доллари эвазига бунёд бўладиган бу улкан корхонада йилига 17 минг тонна калава иплари ишлаб чиқарилади. Шу ерда 10 млн. метр хом сурп ҳам тайёрланади. Қўшма корхона энг замонавий хориж асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган.

Бундан ташқари тўқув комбинатини ва уларнинг 50 дан ортиқ филиалларини қайта қуриш учун фирмалар билан музокаралар олиб борилмоқда. Тўғри, ҳозир маблағ етарли эмас. Лекин бунга хорижлик ҳамкорлар яқиндан ёрдам беришяпти...

Бир сўз билан айтганда лойиҳачиларнинг мақсадлари битта: у ҳам бўлса халқимизнинг оғирини енгил, турмуш фаровонлигини тубдан яхшилаш. Шунда қишлоқлар ҳам саноатлашади, ҳам ривожланади. Каттакатта марказлар пайдо бўлади. Ёш мутахассислар етишиб чиқади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯШИЛ МАЙСАЛАР КЎЗГА ТАШЛАНДИ

БУХОРО. Вобкент тумани ғаллакорлари мавсум сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб, бу йил ғаллани об-тобида экишнинг пайида бўляптилар.

— Бу йил 5514 гектар ерга кузги дон экишимиз керак, — дейди туман агрохизмат уюшмаси раиси Толиб Авезов. — Шундан 3308 гектарига ғўза қатор орасига дон экиш мўлжалланган. Шу боис ҳосилдан бўшаган майдонларга зудлик билан дон экяпмиз. Илгари экилган майдонларда майсалар кўзга кўриниб қолди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, экиш мавсумида 1378 тонна уруғлик керак бўларкан. У ҳам бўлса, «Интенсив», «Санзар-8», «Ёнбош» навлари. Хўш, уруғлик етарлими? Уруғлик барча хўжаликларда бор. Фақат уни вақтида экиб олинса бас. Лекин, «Пахтакор», Қаюм Муртазоев номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида экиш кўнгилдагидек эмас. Бу хўжаликларда йил якунида ҳосилдорлик 15 — 21 центнерни ташкил этгани ҳам болтур кузда экиш пайсалга солинганидан далолат бермайдими?

Яна шуни айтиш керакки, туман деҳқонлари келгуси йилда 18176 тонна дон етиштиришлари керак. Ер майдони эса ўша-ўша. Бунга фақат ҳосилдорликни ўртача 33 центнерга етказиш йўли билан эришилади. Ҳозирги ҳаракат сусайтирилмаса, 20 октябрга қадар дон экиш режасига эришиш мумкин.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Турмуш сўқмоқларида

ТАМАЛ ЗЎРМИ, АМАЛ?

Ўшанда 1963 йил эди. Мутахассислик дипломини олгач, тақсимот комиссияси уни Янгиердаги гидромелиорация техникумига ишга юборди. Кўп ўтмай шу шаҳардаги коммунал қурилиш техникуми директори муовини даражасига кўтарилди. Фидойилиги, жонкуярлиги билан назарга тушди. Номзоди раҳбарлик лавозимига тавсия қилинганда юқоридагилар қайтаришди: маълумоти олий эмас. Ҳа, ўша пайтлари раҳбар бўлиш учун фирқа дафтари ёнида олий билимгоҳ дипломи бўлиши шарт эди.

Бундан руҳий тушкунликка тушмади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирди. Қайси бир мутафаккирнинг «Билим билан қуролланган одам енгилмасдир», деган сўзларини бир жойда ўқиганда бу қанотли ибора унинг шуурида муҳрланиб қолганди. Илм йўлларидаги изланиш давом этди. Аниқроғи, фаннинг эгри-бугри сўқмоқлари сари интилиш энди бошланганди. Ҳаракат зое кетмади: кўп ўтмай техника фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Фозиллар давраси ёш олимни ўзига оҳанрабодек тортарди. Илмий фаолияти бевосита таълим билан боғланганлиги учун докторлик диссертацияси педагогика соҳасидан бўлди. Ўзбекистон мустақиллиққа эришган дастлабки кунларда олимнинг кўксига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий нишонини тақиб қўйдилар. Мустақил мамлакат мукофоти уни янада илҳомлантирди. 1993 йилга келиб ўзбек олимини Халқаро педагогика фанлари академияси Президиуми аъзолигига ва вице-президентликка сайлашди. Икки йил ўтар-ўтмас Халқаро акмеология фанлари академиясига ҳам аъзо бўлди. Шу давргача ёзган китобларини санаб кўрса, ўнтага етибди. Улардан иккитаси Москвадаги «Высшая школа» нашриётида, қолганлари ўзимиздаги «Ўқитувчи» ва «Меҳнат» нашриётида чоп этилган.

Эҳтимол, бу одам Тошкентдек шаҳри азимнинг қайси бир даргоҳида ишласа керак, деган фикрга боргандирсиз. Пойтахтда бўлмаса вилоят марказида бўлиши мумкин деб ўйларсиз. Йўқ, кўпдан-кўп унвонлар соҳиби Явқочди Ҳайдаров қўриқ туманда — Оқолтин гидромелиорация коллежида директор вазифасида ишлайди. Бир жиҳатдан қараганда унга шу ердан қулайи йўқ: ўзи тадқиқ қилаётган соҳа бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Кенг жамоатчилик эътироф этган бу олимни Оқолтинда кўплар ҳурмат қилишади. Ахир бошқа мамлакатларда ҳам тан олинган замондошингиз сиз билан ёнма-ён яшаса — буям бир фахр эмасми?! Лекин раҳбарлик деганда фақат ҳукму фармонбардорликни тушунадиган, менинг гапим муҳокамасиз бажарилиши керак деб ўйлайдиган баъзи зотлар билан Я. Ҳайдаров асло келишолмайди. Илм қонуниятларини вужудига сингдирган мутахассис ҳуқуқий жамиятда ҳамма нарса қоидага биноан бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирайлик. 1994 йил 7 июнда туман ҳокимлигининг 207-қарорига кўра коллеж ихтиёридаги «Т-40» русумли тракторни Оқолтин туман коммунал бирлашмаси ҳисобига ўтказиш буюрилди. Коллежга тегишли техникалар республика Сув хўжалиги қурилиши давлат концерни мулки ҳисобланади. Эртанги кунда бунинг сўроғи бор. Явқочди Ҳайдаров концерн раҳбариятидан рухсат сўраб хат ёзди. Концерн раиси ўринбосари М. Пўлатов расмий жавобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 августдаги қарорига биноан асосий маблағларни бошқа юридик шахс ёки ташкилотларга сотиш ёки бериб юбориш таъқиқланганини, бундай қилиш мутлақо мумкин эмаслигини хабар қилди.

Шундан сўнг бу масала бошқа кўтарилмаслиги керак эди. 1995 йил 13 февралда туман ҳокими ўринбосари Бахтиёр Зинабаддинов ободончилик масаласи бўйича йиғилиш ўтказади. Коллеж директорини турғазиб, ҳокимлик қарорини бажармаётганлигининг сабабини сўрайди. Я. Ҳайдаров яна бир бор бу ишни қилиш қонунга хилоф эканлигини эслатди. «Ўтиринг, бизга сиздақа академиклар керак эмас», — ҳоким ўринбосарининг бу танбеҳи ҳамманинг олдида айтилди. Я. Ҳайдаров ич-ичидан эзилди. Гўё йиғинда ўтирганлар унга қараб «Домла, кечалари китоб титкилаб, қоғоз қоралаб эшитган гапингиз шу бўлдими», деяётгандек туюлди. Йўқ, одамлар уни тушунади. Зар қадрини заргар билади, лекин олий маълумотга ҳам эга бўлмаган бир амалдор «Олимлигинг бир пул» деб турса алам қиларкан. Аслида бизга академиклар керак эмас деган қабилдаги гаплар Я. Ҳайдаров учун янгилик эмасди. «Олим бўлсанг — ўзингга , бу ерни чўл дейдилар», «Мен сиз ёзган китобларни ўқиб тушунмайман, шунинг учун тан олмайман» — шу каби камситишлар ўзини раҳбар деб ҳисобловчи амалдорлар оғзидан илгари ҳам чиққанди.

«Бу академикнинг танобини тортиб қўймасак, ўзининг закунчилиги билан бизни шарманда қилиши ҳеч гап эмас» — шундай фикр ҳокимлик идорасида шакланди. Ўша кунларнинг бирида Я. Ҳайдаров навбатдаги меҳнат таътилига чиқмоқчи бўлди. Дам олиш даврида илмий ишлари билан боғлиқ айрим юмушларни битиришни кўнглига туккан эди. Шундай хаёллар билан таътилга кетаётганлигини хабардор қилиш учун туман ҳокими ҳузурига кирди. Одатда, бундай ҳолатларда нима дейилади? Раҳбар қабулига келган одамга оқ йўл тилайди, бордию унга нисбатан танбеҳлари бўлса ҳам таътилдан кейин гаплашишни кўнглига тугади. Ҳоким бошқача йўл тутди:

— Қачон кетмоқчисиз?

— Агар рухсат берсангиз — эртага...

— Ҳеч қаёққа кетмайсиз, 28 февралда масалангизни муҳокама қиламиз.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Айниқса, бу сўзни ҳоким айтган бўлса. Муҳокамада Я. Ҳайдаров туман ҳокимлиги қарорини менсимаганлиқда айбланди. «Ўша трактор-ни қонунга хилоф бўлса ҳам бериб юборсам бўлармикан, лекин принципим қаерда қолади», деб ўйлади Я. Ҳайдаров. Аслида ҳам бу ерда принциплар кураши тўқнашиб турарди. Пировардида ҳоким имзо чеккан бир қарор пайдо бўлди: «Я. Ҳайдаровнинг раҳбарга хос бўлмаган хатти-ҳаракати учун унга қатъий ҳайфсан эълон қилинсин. Ана энди бемалол дамингизни олаверинг, қишлоқи академик.

— Шундай ҳолатда таъбим тирриқ бўлиб таътилга чиқдим. Бу гаплар ҳолва экан. Туман ҳокими ўринбосари Х. Дониёров коллежда референдумга бағишлаб йиғилиш ўтказганда асосий масала четда қолиб, директорнинг «кирдикорлари» фош бўлаётганини гапирибди. Наҳотки ўзи йўқ одам ҳақида гапириш раҳбарликнинг оддий этикасига тўғри келмаслигини ҳоким ўринбосари билмаса? Йўқ, биларди, агар бу гапни мен бор пайтимда айтганда, тегишли жавоб олишини ҳам биларди. Муҳим сиёсий тадбир масаласида тўпланган коллеж аҳли эса бу гаплардан ҳангманг бўлиб қолибди.

Умуман коллеж ҳақида. Чўлнинг қоқ марказида ташкил этилган Оқолтин гидромелиорация техникуми 1992 йилда коллежга айлантирилди. Ўқув жараёнида институт услубини жорий этиш, кабинет тизимини татбиқ қилиш учун шундай қилинган. Албатта, мазкур ўқув юртида ёки унинг раҳбари Я. Ҳайдаров фаолиятида камчиликлар йўқ деган фикрдан йироқмиз. Иш бор жойда хато ҳам бўлади. Лекин эзгу ниятли раҳбарлар бундай ҳолларда нуқсонларни бартараф этиши ҳам мумкин, аксинча бўлса «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» тарзида дакки бераверишни ҳам мумкин. Файласуфдан «Қизил ранг гўзалми?» деб сўраганларида «Агар у қизнинг ёноғида бўлса гўзал, бурнида бўлса ҳунук» деб жавоб қилган экан. Демак, ҳар бир ҳолатга қайси нуқтаи назардан баҳо беришга боғлиқ. Коллежда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётига ўқув юрти бошқа томондан, ҳокимлик мутлақо бошқа томондан қарайди.

Мутахассиснинг билим даражаси, касбий тушунчаси кенг бўлиши учун ўз қобиғи атрофида ўралашиб қолмасдан замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар ўтказиши керак. Шу ақидага амал қилган коллеж раҳбарияти ўқувчиларни Москва, Нижний Новгород шаҳарларидаги автозаводларга олиб боришарди. У ерларда бўлгуси мутахассисларимиз двигателнинг яратилиш жараёнини ўз кўзлари билан кўришар, умуман ишлаб чиқариш маданиятини ўрганишарди. Иқтисодий интеграция сари одим қўйилаётган ҳозирги замонда шундай интилишни табриклаш керак эмасми?! Наҳотки туман ҳокимлигида бу йўлга ҳам қарши бўлишса?! Ҳа, фақат унга ўзига хос фатво тошиганига қойил қолмай иложингиз йўқ. Ҳокимнинг коллеж директори номига ёзган хатида «Россиядаги талабаларни зудлик билан қайтариб, ватанимизнинг қайноқ ҳаётига қўшиш» талаб қилинади. Бу сўзларни жайдари тилга таржима қилсак, ўқувчилар чет мамлакатда тажриба ўтказгандан кўра ўзимизда пахта терсин деб тушунсангиз ҳам бўлади.

Шўролар давридан қолган ёмон бир иллатни йўқотиш қийин кечмоқда: бу маъмурий-буйруқбозлик усулидир. Унга «садоқат» кўрсатганлар уни «интизом» сўзи билан ниқоблашади. «Майли, қонунга зид бўлса ҳам айтганим бўлиши керак», — бу тушунча ҳуқуқий жамият қураётган мамлакат учун бегона бўлиши керак. Хато қилиш — қўрқинчли эмас, энг муҳими, ўша хатони мардона тан олишдир. Ўшанда ҳамиша юз ёруғ бўлади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Норбобо ШАКАРОВ.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ҳаёт билан ҳамнафас

Мустақиллик бизни янгича фикрлашга ўргатди, миллий мафкурани шакллантириш жараёнлари эса тобора кенгайиб бормоқда. Шундай экан, ХДП дастурини, мамлакатимиз Президенти олиб бораётган доно сиёсатни изчиллик билан амалга оширишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз ва муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон шаҳар ва туманлар кенгашлари шу мавзуга бағишлаб илмий-амалий конференциялар ўтказмоқда. Тўрткўл, Тахтакўпир, Нукус, Кегейли туманлари партия кенгашларида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган анжуманлар қизиқарли ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти 2 шаҳар, 25 туман партия кенгашига, 32538 Ўзбекистон ХДП аъзосини жипслаштирган 926 та бошланғич (шундан 309 таси ҳудудий) партия ташкилотига раҳбарлик қилиб келяпти.

Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотларининг тузилишини қайта кўриб чиқиб, уларни ҳозирги замон талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари кўрилди.

Сайловларда партиямиз самарали кўрсаткичларга эришмиз раҳбарлигида олиб борилаётган давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида машғулотлар пухта тайёргарлик билан, қизиқарли ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда буюк Соҳибқирон саркарда Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонланаётган йилда Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туманлар кенгаши ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон ХДП депутатлар фракциялари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қорақалпоғистондан беш нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида 41 нафар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида 360 нафардан кўпроқ депутат иш юритмоқда. Улар халқ манфаати учун хизмат қиладиган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган низомларни, қарорларни, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиб ва қабул қилишда фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ижроия бюросида Ўзбекистон ХДП тизимидан сайланган Олий Мажлис депутатлари О. Халимбетов, Б. Оразалиев, А. Абдикаримов, Т. Темирбоевларнинг ахборотлари тингланди. Худди шундай ахборотлар шаҳар ва туман партия кенгашларида ҳам кўриб чиқилмоқда.

Республика шаҳар ва туманлар партия кенгашлари Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши, уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар, ногиронлар ташкилотлари, Ўзбекистон Ёшлари «Камолот» фонди Қорақалпоғистон бўлими, «Маҳалла» хайрия фонди, «Экосан» халқаро экологик ва саломатлик фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро фонди ва миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президенти Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини жалб қилмоқда. Ўтган йили Нукусда шу мавзуга бағишлаб Халқаро конференция ўтказилди. Бу анжуман Оролбўйи муаммоларини ечишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши, партиямиз аъзолари Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ қилиш, халқимиз фаровонлигини ошириш ишларида бутун куч ва имкониятларини сарфлайверади, деб ишонч билдирамиз.

Атоулла АСАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.

Айни кунларда Қашқадарё вилояти пахтакорлари терим суръатини тобора оширмоқдалар. Айниқса Яккабоғ туманидаги Амир Темур номли ширкатлар уюшмаси миришкорлари марра сари дадил интилаётирлар. Катта хирмонга хўжаликнинг чевар теримчилари муносиб ҳисса қўшишаётир. Марғуба Раҳмонова билан Ҳаргиза Эрназарова кунига 100-120 килограммдан пахта териб, ҳам хўжалик хирмонига, ҳам оила бюджетига барака киритмоқдалар. Суратда ана шу илғор теримчиларни кўриб турибсиз.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Шунақасиям бўлади

ҚАРИЯ ХОТИНИНИ "ЙЎҚОТИБ" ҚЎЙДИ

Австралиянинг Бурктаун шаҳар полициясига келган қариянинг арзини аввалига латифанамо воқеа, деб қаращди.

Йўқ, ҳақиқатан ҳам 82 яшарлик Ричард О Кифнинг куйиб-пишганича бор экан. Қария Ричард 60 яшарлик кампирини «Қариялар уйи»га жойлаштирди. Аттанг, қаричилик-да, ҳозир у кампирини қайси «Қариялар уйи»га ташлаб келгани хотирасидан фаромуш бўлиб, роса хуноби ошяпти.

Ҳукумат Ричарднинг арзини инобатга олди. Кампирни қидириш ишини аввало, болаларини топишдан бошлади. Ҳукумат вакиллари қариянинг фарзандларига мурожаат этишди. Шояд, улар оналарини «эслай» олишса?!

«МЕРИДИАН-А» фирмаси
ISTIQLOL
табиий ва шифобахш
«Истиқлол»
Тошкент маъданли сувини таклиф этади.
Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Раҳимов кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси

• Қуш ҳам нафсидан илинар!

ҲИЙЛАГАРЛАР

ёки Тошкент шаҳрининг айрим валюта алмаштирув шоҳобчаларида юз берган антиқа ҳангомалар хусусида

АҚШ долларининг баҳоси «қора бозорда» ҳаш-паш дегунча ошиб кетди. Ваҳоланки, расмий биржадаги унинг нархи эса ўша 40,5 сўмлигича силжимай турибди. Ажабо, нима сабаб эканки океан ортида дунёга келадиган бу пулнинг бир «қулоғи» шу қадар тез ўсиб бораяпти?

Нафақат доллари борларни, балки бу «қўк» пулни ҳали дурустроқ кўрмаганларни ҳам ташвишга солиб қўйган бу ҳолатдан безовта бўлган республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти унинг сабабларини аниқлашга жиддий киришди. Раҳбарият топшириғи ва кўрсатмасига биноан вазирлик Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари махсус тадбир ўтказдилар. Тадбир давомида Тошкент шаҳридаги валюта алмаштирув шоҳобчалари, бозорлардаги ноқонуний равишда доллар сотувчилар фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

«Ўзсаноатқурилишбанки»нинг Яккасарой туманида жойлашган 0502-сонли валюта алмаштирув пункти текширилганда ушбу шоҳобча ходимларининг ўзига хос ҳийланайранглари фош бўлиб қолди. Шоҳобча ходимаси Карасаева Е. В. ўша куни аҳолига сотиш учун берилган 7000 АҚШ долларининг 1000 долларини ўн кишига 100 доллардан, яъни ҳар бир долларни 42 сўм 70 тийин қийматда сотгандан сўнг шоҳобча иш фаолиятини тўхтатади. Суриштирув давомида аниқланишича, Купченко И. ва Карасева Е. лар шу банкда иш юритувчи бўлиб ишловчи Лукьянова Л.нинг оғзаки кўрсатмасига асосан қолган 6 минг АҚШ долларини сотувдан яшириб қўйишган ва ноқонуний равишда расмийлаштириб, устама нархда сотишмоқчи бўлишган. Беш бармоғини эмас, бир йўла олти бармоғини оғзига тиқмоқчи бўлган бу ҳийлагар аёлларнинг «иши» батафсил ўрганилиши лозимлиги учун, улар ички ишлар идораларига олиб келинди.

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ининг банк жараёнлари бошқармаси касса бўлимида бошлиқ вазифасида ишловчи Д. Қодиров доллар тугул, унинг «д» ҳарфининг ҳам «инги-дингини» чиқармай ютиб юборишнинг ҳадисини шу қадар ўрганиб олган эканки, унинг ўз фойдасига доллар ўзлаштириш «операциясини» очиш осон бўлмади. Шундай бўлишига қарамай, Қодировнинг шу банкда валюта алмаштирув шоҳобчасида кассир бўлиб ишловчи Саримсоқованинг паспорти орқали унинг номига ўзи имзо чеккан ҳолда 500 АҚШ долларини олиб, ундан атиги 100 долларни Саримсоқовага берганлиги ва қолган 400 АҚШ долларини ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлганлиги маълум бўлиб қолди. Ўлжасини ўнлаб эмас, балки бир неча юз доллардаб ўмаришни мўлжаллаган бу «ишбилармон»нинг иши ҳам тергов ходимлари томонидан атрофлича ўрганиладиган бўлди.

Баднафслик қурсин. Бу бало бинойидай одамни ҳам ҳар балога гирифтор қиларкан. Кимсан фалон банкда бошлиқсан, деган ном билан ўзини сипою фаришта тутиб юрган Халқ банкининг А. Икромов туманидаги 8297-сонли шоҳобчаси бўлими бошлиғи Нурхўжаева М. ҳам ўз нафси гирдобига шўнғиганидан оппоқ ва юмшоқ курсисини бўшатиб қўйишига тўғри келди. Нега десангиз, даврнинг келди суриб қол, имконинг бор юлиб қол, қабилида иш тутган бу опахон ўз мансабини суиистеъмол қилиб, расмий биржадаги ва «қора бозор»даги долларнинг нархи орасидаги фарқдан усталик билан фойдаланиш илинжида 0426-сонли валюта алмаштирув пункти бошлиғи Шоисломова Ш. орқали ушбу шоҳобча ходимларига катта миқдордаги пулларни долларга алмаштириб беришни талаб қилади. Балиқ бошидан деганларидек, бошлиқ бўла туриб ноқонуний ишга йўл бошлаган бу аёлнинг «буйруқлари» яхшиямки ўз вақтида ошкор бўлиб қолди. Бўлланарли «ижодий иши», яъни йўқ одамларни бор қилиб, доллар бериб юбориши, тўғрироғи, долларни ўзларига олиб қолиши сингари «тажрибаси» ҳам фош бўлди. Негаки, ушбу валюта шоҳобчасидан доллар сотиб олган 54 кишининг яшаш жойларига бориб текшириб кўрилганда, улардан 7 тасининг яшаш манзилида рўйхатда йўқлиги ёки кўрсатилган манзилда умуман истиқомат қилмаслиги аниқланди.

Долларни юлиб қолиш ва ўз фойдаси учун «гум» қилиш бобида устаси фаранг бўлиб кетган бу аёллар ўз иш жараёнида «Така бўлсин, сут берсин, одам бор-йўқлигини, қаерда яшаётганлигини ким ҳам текшириб кўрарди» қабилида иш тутган бўлса ажаб эмас. Шу боис, хом сут эмган бу бандаларнинг аввалдан тузган хомчўтлари ўзларига панд берди. Кўза қурғур кунига келиб синиб қолди-ю, улар устидан жиноий иш қўзғатиладиган бўлди.

Хуллас, ички ишлар ходимлари томонидан биргина Тошкент шаҳрида ўтказилган текширувлар давомида бармоқ билан санарли эмас, балки (минг афсус) ўнлаб валюта алмаштирув пунктларида қонунбузарликлар рўй бергани аниқланди. Албатта, ушбу баднафсларнинг бу ҳийлаи найранглари, ўз манфаати йўлида минг-минглаб долларларни «қора бозор»га чиқариш илинжидаги уринишлари бозордаги нарх-навонинг ошиб кетишига сабаб бўлаётгани сир эмас. Эндиликда халқимиз, мустақил ватанимиз равнақига путур етказиш мақсадида «булоқ бошига», яъни валюта алмаштирув пунктларига шахсий бойиш ниятида ўрнашиб олган бу зулукларга қарши кураш янада авж олдириямоқда. Ички ишлар ходимлари уларни бутунлай бартараф этиш, таг-томири билан йўқотишга астойдил бел боғлаган ҳолда ишни изчил давом эттиришмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция катта лейтенанти.

ТЕМУРНОМА

ШАҲРИСАБЗ — СОҲИБҚИРОН ЮЛДУЗИ

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда мустақил давлат барпо этиш учун олиб борган саъй-ҳаракатлари бугун Қашқадарё аталмиш вилоят тупроғида кечганини ҳамма билади. Бу заминда Амир Темур номи, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий-мўъжизавий жойлар ниҳоятда кўп. Кеш (Шаҳрисабз), Қарши (Насаф), Ғузор (Ҳузор), Хўжа Илғор (Яккабоғ), Қорабоғ (Қамаши), Тошқўрғон, Амир Темур ғори, Занжирсарой ва бошқалар. Аёнки, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Соҳибқирон Шаҳрисабз яқинида, Ибн Арабшох эса Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топгани ҳақида маълумот берадилар. Шу ерда ҳозир Хўжа Илғор ота номи билан аталувчи машҳур қабр ва катта мозористон бор. Бу жойнинг Хўжа Илғор ота номи билан аталиши ҳақида халқ орасида ривоятлар сақланиб қолган. Соҳибқироннинг бобокалонлари, отаси Баҳодир Тарағай Қашқадарё аталмиш мазкур вилоятнинг амирлари бўлиб ўтганлар. Ўша асрнинг 50-60-йиллар бошларида эса амакиси Ҳожи Барлос Кеш (Шаҳрисабз) қасабасининг ҳокими эди. Шу боис Соҳибқирон бутун умри давомида Кеш (Шаҳрисабз) ва Насаф (Қарши) шаҳарларига алоҳида муҳаббат ва эҳтиромда бўлди. Зеро, унинг Мовароуннаҳрдаги халоскорлик ва озодлик юриши айнан шу шаҳарлардан бошланган эди.

Темурбекнинг юрт мустақиллигини қўлга киритишдаги энг аввалги, бунёдкорлик тадбирларидан бири шу бўлдики, мўғуллардан ҳимояланиш учун Қарши шаҳри атрофини қалъа мудофаа девори билан ўради. Кеш, Ҳузор, Ҳисор ерларида кўпгина жангу жадалларни бошдан кечирди. Зотан, Темурбекнинг бошидан ўтган Кеш ва Насаф шаҳарлари билан боғлиқ ажойиб ва ғаройиб воқеалар, яъни мўғулларга қарши курашилган тарихий ўн йиллик (1360-1370 йиллар) унинг ҳаёти ва фаолиятининг залворли боби бўлиб тарихга кирди.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Кеш қадим айёмларда исломнинг буюк уламолари йиғиладиган жой бўлган. Бу шаҳарни таниқли муҳаддислардан мўътабар уч имом-Абу Муҳаммад Абдаъ ал-Кеший (вафоти 865 й.), Абдуллоҳ ибн ад-Дорамий (вафоти 865 й.), Исмоил ал-Бухорий (вафоти 870 й.) ватан қилганлар. Машҳур муҳаддис Муслим ибн Хажжон ан-Найсабурий бу ерга Абу Муҳаммад Абдаъ ал-Кешийдан Ҳадис илмидан дарс олганлар. Шу боис Кеш шаҳри «Қуббат ал-илм ва-л-адаб» (Илму адаб қуббаси) унвони билан шарафланган.

Амир Темур даврида Кешнинг илм-фан ва маданият маркази сифатидаги нуфузи янада ортади. Соҳибқирон она шаҳрида, энг аввало, буюк инсонлар вояга етмоғи учун илм ва фан, тафаккур тараққий этган маънавий муҳит яратди. Шу тариқа Кеш шон-шавкатга чулғанди.

Соҳибқирон 1380 йилда уни қўрғон-қалъа билан ўрашга буйруқ беради. Қалъа деворининг баъзи қисмлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Кеш қўрғони ва Оқсаройнинг қурилишини шундай баён этади: «Сичқон йилига тўғри келган (781 йилнинг охири — мелодий 1380, март) эрта баҳор фасли эди. Олий ҳазрат Соҳибқирон Шаҳрисабз қўрғонини қуриш ҳақида фармон берди ва (ишларни) амирлару лашкар аҳли ўртасида тақсимлади. Қўрғон қурилиши учун муносиб келувчи соадатли соатда унинг пойдеворини қурдилар. Шаҳар ичида эса қазо-ю қадардек бажарилиши сўзсиз бўлган фармонга биноан бир қаср бунёдига асос солдилар...

Иморат шу қадар баланд ва фавқулодда жозибали эдики... Ҳатто кекса муҳандис бўлмиш Гардун шунча йиллар жаҳон атрофида айланган бўлишига қарамай, бундай гўзал бинони кўрмаган эди».

Оқсарой 1404 йили қуриб битказилган. Соҳибқирон Оқсарой дарвозаси пештоқига «Куч адолатдадир!» деб ёздирган эди. Бу сўзлар Соҳибқирон давлати ички ва ташқи сиёсатининг, бошқарув тизимининг, «давлат-фуқаро-ҳукмдор» манфаатларининг асоси қилиб олинган эди. Оқсарой деворларидаги Қуръон ва ҳадис битиклари орасида «Агар шаън шавкатимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларга боқ» сўзлари фахр билан ўйиб ёздирилган эди. Бу Амир Темур салтанатининг савлат-салобатини кўз-кўз қилиб турарди.

Оқсарой деворларидаги куфий ва сулз хати ёзувлари — яъни Аллоҳнинг сифатлари, тавсифлари, Қуръони Карим оятлари, пайғамбаримиз Муҳаммад САВ ҳадиси шарифларидан олинган калималар ёзувдан нақшга, нақшдан ёзувга айланиб кетган эди. Шаҳрисабзда қурилган Оқсарой мажмуаси ўз ҳашамати ва маҳобати билан, Соҳибқирон унинг деворига ўйиб ёздирган сўзларини тасдиқлаб, ҳанузгача бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солиб турибди.

Соҳибқирон замонадошларидан бири, Амир Темур шуҳратини Оврупода илк бор иншо этган Кастилия (Испания) ва Леон қироллари элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо 1404 йилда Шаҳрисабздан Самарқандга ўтаётиб Оқсаройни томоша қилиб, бу санъат кошонасининг тенгсиз гўзаллигидан ҳайратга тушган.

Амир Темур Кеш қалъасида ҳайратомуз меъморлик обидалари-даҳмалар, мақбаралар, боғотлар, масжид ва мадрасалар барпо этдики, булар Оқсарой, Жаҳонгир Мирзо, Имом Муҳаммад, Шайх Шамсуддин Кулол мақбараларини ўз ичига олган Дорус-саодат мажмуаси — хилхонаси, дарҳақиқат, ҳайратланарли эди. Бу обидаларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолган. Ўша замонда бу биноларни Эрон, Ҳиндистон, Хоразм, Насаф (Қарши) меъморлари ажойиб нақшлар Қуръон сятлари битиклари билан зийнатлаган эдилар.

Соҳибқирон Дорус-саодат хилхонаси қибласида ҳозир халқ тилида Ҳазрати Шайх номи билан машҳур зот— Шамсиддин Кулол қабри тепасида муҳташам мақбара барпо эттиради. Бу мақбара ҳозиргача қур тўкиб турибди. Аёнки, Шамсиддин Кулол ҳазратлари Соҳибқирон оталарининг ва яқинларининг пири муршиди бўлган. Ул зот Бухородаги машҳур мутасаввуф Бобо Самосий (бу киши ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан биридир) тарбиялари остида 20 йил юриб, ботиний ва зоҳирий илмларини камолга етказганлар.

Шамсиддин Кулол ҳазратлари Соҳибқироннинг чақалоқлигида қулоқларига азон айтган, кейинчалик Қуръон саводини чиқарган, ахлоқ-одобини тарбиялаган эдилар.

Шарафиддин Али Яздий 762 (1360) сичқон йили Амир Тарағайнинг вафот этгани, у Кеш ҳудудининг Дилкаш заминида отаси, туғишганлари ва бошқа қариндош-уруғлари қошига дафн этилгани ҳақида маълумот бериб яна шуларни ёзади: «775 (1373) йили Соҳибқирон ҳиммат меъмори улуғ шайх Шамсиддин Кулолнинг, — қабри мунаввар бўлсин, — Жомеъ масжид ёнида жойлашган мозори қошида бир гумбазмақбара қурдирди ва уни ўша ерга кўчиртирди».

Шундай қилиб, Дорус-саодат мажмуасидан ўрин олган Шамсиддин Кулол мақбаралари ичида Соҳибқироннинг оталари Амир Тарағай ва оналарининг қабри Шамсиддин Кулол оёқ учида мангу уйқуда ётибдилар.

Соҳибқирон 1404 йили тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо, Имом Муҳаммад (Имом Аъзам мазҳаби асосчиси Ҳанафий шогирдларидан бири бўлган бу зотнинг ҳоки Шомдан олиб келинган деб ривоят қилинади) ва ўзларига атаб учта мақбара барпо этадилар. Ҳозир бу мақбаралардан фақат биттаси сақланиб қолган. Мақбаларнинг остида (ер тагида) оқ мармардан қурилиб, нақшлар солинган қабрхоналар ичига сағаналар қўйилган. Амир Темур ўзига атаб қурган мақбаранинг бузилиб кетиши натижасида қабрхона узоқ йиллар номаълум бўлиб келди. Бир тасодиф туфайли ер ости қабрхона очилиб, у оқ мармардан ишланган катта хона ва ичида сағана борлиги аён бўлди. Имом Муҳаммад қабрхонаси эса ҳозирча аниқлангани йўқ, унинг мақбараси ҳам бузилиб кетган.

Шу атрофдаги ҳовлилар кўчирилиб, Дорус-саодатни таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда бу ерлар Соҳибқирон авлодларининг хилхонаси бўлганлиги, улкан-улкан қабр тошлар чиққанлиги аниқ бўлиб қолди. Ҳатто Амир Темур ўзига атаб қурдирган қабрхона ва сағанага ўхшаш бошқа қабрхоналар ва сағаналар ҳам бор экан. Амир Темур ўзларига мўлжал қилган сағана-қабрга дафн этилмагани ҳаммага аён: сағана очиб кўрилганда бошқа кишининг жасад суяклари чиққан...

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари Кеш-Шаҳрисабзда бунёд этган муҳташам биноларни, кўркам масжидлар, сервиқор мадрасалар, гўзал боғлар кишиларнинг маънавиятини бойитган, гўзалликка ундаган, улуғ ишларга рағбат уйғотган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Мирза Абдулқодир Бедил, Хисрав Деҳлавий, Мирзо Ғолиб, Ҳозиқ ва бошқа кўплаб алломалар, шоирларга ота макон бўлган Кеш-Шаҳрисабз Соҳибқирон даврининг буюк мўъжизасига айлангани рост.

1465 йили баҳорда Шаҳрисабзга Алишер Навоий ташриф буюрган. Ҳиротдан Самарқандга йўлга чиққан 24 яшар Алишербекни Шаҳрисабзнинг ғарбий қисмидан оқиб ўтадиган Танхос дарёси чап қирғоғидаги тепаликда шаҳарнинг аъёнлари, уламолар кутиб олган эдилар. Бу тепаликни ҳозиргача ерли халқ «Навоий тепа» деб атайдилар. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида Шаҳрисабзни шундай мадҳ этади:

Дедилар, кишвари дурур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш,
Ҳизир монанд сабзадан ранги,
Сабзаси, суйи кўзгуси занги...

Шаҳрисабз Алишер Навоийнинг бобокалонларига ҳам ота макон бўлгани ҳақида шоир асарларида ишоралар бор.

Майсалар шаҳри — Шаҳрисабз Амир Темурнинг юлдузи порлаган шаҳар.

Бобомиз номи билан аталган орден шаҳарга узукдаги кўздай ярашади.

Ғуломхон ҒАФУРОВ.



Наманган шаҳридаги "Ахсикент" массиви тобора чирой очиб бормоқда.
СУРАТДА: қурувчилар И. Юнусов ва А. Қодиров.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

БЕТАРАФЛИК СИЁСАТИНИ ТУТМОҚДА

Вашингтон. Оқ уй расмий вакилининг маълум қилишича, АҚШ ҳали Афғонистонга ўз вакилини жўнатгани йўқ. АҚШ давлати «Толибонлар» ҳаракати ва мамлакатдаги мавжуд бошқа гуруҳлар билан алоқада бўлишни кўзда тутяпти.

АҚШ афғон воқеасига бетарафлик сиёсатини тутаётган бўлса-да, Кобулда инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишидан безовта бўляпти. АҚШ бошқа қўшни мамлакатларга Афғонистонда зўравонликнинг давом этишига имкон яратмасликни қатъий тавсия этди.

РИМ ПАПАСИНИНГ АҲВОЛИ ЯХШИЛАНЯПТИ

Рим папаси Павел IIнинг саломатлиги тикланмоқда. Маълумки, Рим папаси яқинда операция столида 50 минут ўлим билан олишиб, омон қолди. 76 яшарлик қария учун бу операциядан соғ-омон чиқиш аввало, тиббиётнинг яна бир ютуғидир. Докторлар операция жараёнида қарияни бошқа дард-шишидан ҳам халос этдилар. Ватикандан маълум қилинишича, Рим папаси шу муносабат билан мухтор элчи Маҳмуд Али Оғадан ва бошқа юзлаб хушхабарлар, табриклар олди.

ПОРТЛАШ РЎЙ БЕРДИ

Ирландия Республикаси армияси сешанбадан душанба куни мобайнида икки дафъа автомобиль бомбаси Англиянинг Шимолий Ирландиядаги армияси қароргоҳини озод этганлиги бўйича масъулиятни зиммасига олди. Бунда 31 киши жароҳатланган. Сешанба куни сиёсий қанот вакиллари ҳарбий иттифоқчиларга маҳаллий аҳолига ҳужум қилмаслик учун мурожаат қилдилар.

ТУМАНДАГИ ҲАЛОКАТ

Перуда сешанба куни эрта тонгда 80 нафар йўловчи сажир ҳалокатга учради. Натижада уларнинг 44 нафари ҳалок бўлди.

Перу ҳукуматининг маълум қилишича, қуюқ туман қоплаган, ёмғирли об-ҳаво шароитида тоғ йўлларида юриш ҳаёт учун хавфли бўлса-да, саёҳатчилар сафарларини давом эттиришга мажбур бўлишган. Омон қолганларнинг изоҳлашича драйлер-автомобиль шу алпозда етти соат сирғанчиқ тоғ йўлидан пастга юришда давом этган. Об-ҳавонинг ноқулайлиги ҳалокатга олиб келди.

Рўёми—риёми

ШАККОКЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Франция. *Лилль черковларида ибодат қилувчиларни худосизликка чақирувчи кимса пайдо бўлди. У 32 яшарлик Адриан Гейте. Ашаддий атеист — худосиз охирги бир ой ичидаёқ олти марта шаҳарнинг турли черковларига бориб: худога ишонманглар, у ёлғон гап, руҳонийлар сизларни лақиллатяпти, дея жазавага тушиб шовқин-сурон кўтарди.*

Яқинда фожиали воқеа рўй берди. Адриан ибодатхонада навбатдаги «чиқиш» қилаётганди. Кимнингдир қўлидаги шамдондан учқун учиб, санамнинг ҳошиясига тушди. Лов этиб, аланга олди. Тўсатдан олов доми Адрианга ўрмалади. Шўрлик атеист гўё дўзах оловида куйгандек ўт ҳалқасида қолди.

— Худога шак келтиргани учун унинг жазосини берди тангри, — дейди инспектор Генри Аркетт. — Уни неча бор огоҳлантирдик, қамадик. Бари фойдасиз. Адриан ҳар сафар турмадан гаров тўлаб чиқиб келарди-да, яна черковда пайдо бўларди. У руҳий бетоб, ойпараст эди асли.

Полициячилар ёнғин сабабини ўрганишга киришди. Шуниси ажабланарлики, ёнғиндан фақат Адрианнинг ўзи азият чекди, холос. Ҳатто у ёниб кул бўлган ерда черковнинг на бирор жиҳози, на полда куйган из қолганди.

АДВОКАТ ҚОТИЛНИ ОҚЛАДИ

Шунақасиям бўлади

Италия. *Неаполда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи фирма бошлиғи Сержио Бьянкини кўпчилик яхши танийди. У ҳақда шаҳарда ғалати шов-шув тарқалди: «Бошлиқни котиби отиб ўлдирибди», «Уни шилқимлиги учун шартта отиб ташлабди», «Жазмани уни «шантаж» қилибди» ва ҳоказолар.*

Аслида миш-мишларда жон бор. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Сюзан Бенсон Бьянкини отиб ташлади. Фирмада улар ҳақида баъзан «ошиқ-машуқлар» дейишарди, «ораларидан оламушук ўтибди» котибанинг фиғони фалакка чиқиб келди бошлиқнинг хонасидан» деб ғийбат қилишарди.

Одатдагидек иш куни. Қўнғироқ тугмасини босди бошлиқ. Хонасига гўзал котиба, ўзининг таъбири билан айтганда «америкалик офатижон» кириб келди. Ишнинг бунчалик чаппасига айланиб кетишини ўйламаган бошлиқ унга хиралик қила бошлади. Сюзан эса бамайлихотир чўнтагидан пистолетини чиқариб, унинг юрагини мўлжаллаб тепкини босди. Сўнг пистолетни стол устига қўйиб, полицияга қўнғироқ қилди.

Полициячиларга ҳамма ҳар хил фикр-мулоҳаза, кўрсатма бера бошлади. Қизиғи, фирмада «ажралиш» рўй берди. Фирмадаги ҳамма эркаклар бошлиқни «оқлади» котибани «қоралашди». Аёллар эса Бьянкини «ноҳақ», Сюзанни «ҳақ» деб чиқишди. Эркаклар: «Сюзан асли америкалик, Сент-Луискидан-да, бошлиқнинг олдида очиқ-сочиқ, ярим ялангоч юрарди», дея ғазабланишарди «америкалик офатижон» дан. Аёллар: «Ҳечам-да, Бьянки бизни ҳам, италияликларни ҳам «четлаб» ўтмаган», — дея қаттиқ туриб олишди.

Бу қотиллик ҳақида турлича ёзишди. Лекин Сюзан Бенсоннинг адвокати бу қарама-қарши фикрларга нуқта қўйди.

Адвокат: «Сержио Бьянки ўз амалини суиистеъмол этган, жабрланувчи шароитдан келиб чиқиб, ўз аёллик ғурурини ҳимоя қилган», — деди.

Қатъий қарор шу бўлди.

Боғ яратганлар

ОСИЁДА ЯККАСАН

Тошкентдаги Ботаника боғи ҳақида шундай дейиш мумкин.

Бу боғ ўзида дунё дарахтларини жамул-жам этган. Унинг илк боғбонларидан бири Фёдор Русанов ҳаёт бўлганида юз ёш билан юзлашган бўларди. Лекин унинг умри дарахтларда давом этмоқда.

Ҳа, уни боғлар танийди, дарахтлар, гуллар яхши кўради, куртаклар севади. У боғ яратган, бир гўзал боғ... Ўзбекистон деган маконда! Минглаб сарҳадлар чўзилган олис Челябинскнинг Карменка қишлоғидан, ҳали кўкка бўй чўзмаган ниҳоллар, майсалар чорлаганмиди, бу жаннатбахш диёрга уни!

Бир ёниқ меҳр билан, комил ишонч билан айтиш лозимки, у табиатга болалигидан муҳаббат қўйган эди. Неки, нафас олаётган ўсимлик бўлса мурғаклигидан ардоқларди. Бу кун унинг ортидан бир яшнаган боғ алқайди, бир улкан эл алқайди. Бундан қарийб 50 йил бурун Федор Николаевичнинг бевосита иштироки ва ташаббуси билан 80 гектар майдонда ҳозирги Ботаника боғига асос солиниб, 50-йилларнинг бошларида турли ниҳоллар экила бошланди.

Шундай қилиб, 600 дан зиёд ер курраси-нинг турли бурчакларидан келтирилиб экилган дарахт бута кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан иборат тур, кенжа турларга эга бўлган Ботаника боғи бутун Осиёдаги машҳур боғлардан бирига айланди.

1969 йилда Лондон шаҳрида Эдвард Гиамснинг «Дунёнинг буюк боғлари» номли китоби чоп этилиб, унда собиқ СССРдаги 100 та боғдан 5 таси шу китобдан ўрин олган. Шу 5 тадан биттаси ЎзРФА Ботаника боғи эди. Бу юксак кўрсаткичларнинг барида академик Федор Русановнинг хизмати беқиёс.

Ишончимиз комилки, Ф. Н. Русанов бошлаб берган ўсимликларни иқлимлаштириш ва улар орасидан иқтисодиётимизга самаралар келтирадиганларини ажратиб олишдек саховатли ишлари яна давом этади.

Суръат СОЛИҲОВ,
ЎзРФА Ботаника боғининг директори биология фанлари доктори, профессор.

Инсон хотираси азиз

КЕЛИН ТУШИБ, ҚИЗИ БЎЛДИМ

Қиз бола ўзга хонадонга келин бўлиб тушгач, қайнота ва қайнонасига суяниб қолар экан. Уларнинг доно маслаҳати, йўл-йўриғи ота-онангдек меҳрибончилиги турмуш қийинчиликларини енгишингда асқотади. Дадам, яъни қайнотам Муҳаммадали Иноғомов ана шундай олижаноб инсон эдилар.

Ёшларини яшаб, бир этак невара-чеваралари-нинг меҳрига тўйиб бу оламдан кўз юмган инсонни эсласам хаёлимда ёқимли сиймолари гавдаланади. Бу хонадонга келин бўлиб тушган чоғимда Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил кўрардим. Ўша кезлари дадам мактабда рус синфларига ўзбек тилидан дарс берарди. Ўзлари ўқимишли, тушунган одам бўлганлари боис ўқишни битиргунимча ёрдамларини аямади. Ҳам ўқиш, ҳам рўзғор ташвишлари билан толиққан кезларим «хафа бўлманг, қизим, оғир дамлар ўтиб кетади, инсон қийинчиликларни енгишга ўрганиши керак», дердилар. У кишининг меҳрибонлик билан айтган сўзлари руҳимни кўтариб, кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшарди.

Дадам ўзимиз истиқомат қилаётган Қибрай туманидаги 3-, 24-, 30-мактабларда ёшларга таълим-тарбия бердилар. 10-мактабда илмий мудирлик қилган дамларини шогирдлари ҳали-ҳануз фахр билан эслашади. Маориф соҳасидаги 45 йилдан ортиқ қилган фидокорона меҳнати учун «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Тагларига кўрпача солиб, чой қуйиб узатсам, у киши «умрингдан барака топ, болам, илоё болаларингнинг бахтида қаригин» дея дуо



қилардилар. «Келинимни қизимдек яхши кўраман, болалари қантак ўрикнинг мағизи-да, мағизни яхши кўрмай бўладими», — деб алқардилар. Мабодо фарзандларимдан бирортасини койиётганимнинг устига келиб қолсалар: «Қўйинг, болам, болани койиб ёки уриб тарбиялаб бўлмайди», дея танбеҳ берардилар.

Хонадонимизга «Домла, уйдамисиз?» деб сўроқлаб келувчилар тобора камаймоқда. Дадам ҳаёт бўлганларида бу йил 70 ёшга тўлган бўлар эдилар. У кишининг насиҳати менга ҳам, ўғил-қизларимга ҳам ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам бераётир.

Холида ИНОҒОМОВА.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий 12 ёшида ёзган ғазали билан Мавлоно Лутфийни ҳайратга солган. Файласуф шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ёшда Андижон тахтига ўтирган. Бизнинг замондошимиз Муроджон ШАРИПОВ 12 ёшида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг талабаси бўлди.

Рости, Муроджон ҳақида эшитганимда аввалига ўнчалик ишонқирамадим, бу ерда балки қандайдир сир бордир, деб ўйладим. Уни кўргим, суҳбатлашгим, «имтиҳон» қилгим келди.

Республикамиздаги бу энг ёш талаба 1984 йилнинг 3 мартида зиёли хонадонда — Тошкентда туғилган. Оилада энг кенжа фарзанд. Бўйбастига қарасангиз унинг тенгқурларидан деярли фарқи йўқ. Лекин ниҳоятда ораста кийинади, нигоҳлари жиддий. Саволларимга бироз ўйланиб, аниқ ва қисқа жавоб берди. Унинг шошмасдан, салмоқлаб гапириши мени ҳаяжонга солганини ҳам яширмайман.



ТАНИЙСИЗ-А?

— Муроджон, сиз ҳозир камида ўзингиздан 5-6 ёш катта йигит қизлар билан ўқияпсиз. Уларга фалончи ака ёки опа деб мурожаат қиласизми?

— Улар билан сизлашиб гаплашаману лекин ҳеч «ака» — «опа» деёлмайман.

— 12 ёшли дўстларингиз ҳам борми?

— Йўқ. Энг кичик дўстим Отабек. У ҳам 15 ёшда.

— Муроджон, сиз ўрта мактаб маълумотини синфдан синфга сакраб, бор-йўғи олти йилда олибсиз? Университетда ҳам курсдан курсга сакраш ниятингиз борми?

— Сакраш ниятим йўқ. Чунки бу ерда одам ҳечам зерикмайди. Ҳар куни, ҳар дарсда янги нарса ўрганасан.

— Сизнинг тенгдошларингиздан айримлари кетка йиғади, айримлари футбол, волейбол ўйнашади. Сиз қандай ўйинларни яхши кўрасиз?

— Мен кетка йиғмайман. Теннис билан шахматни яхши кўраман.

— Китоб ўқишни-чи?

— Китоб ўқишниям. Яқинда «Шайтанат» билан «Кеча ва кундуз»ни ўқиб тугатдим.

— «Ўтган кунлар»ни ҳам ўқиганмисиз?

— «Ўтган кунлар»ни анча олдин— кичкиналигимда ўқиганман.

— Эртаклар ҳам ёқадими?

— Ёқади, айниқса, Италия ва Рим халқ эртакларини жуда яхши кўраман.

— Муроджон, сизнингча, бурч нима?

— Бурч — қилишинг шарт бўлган ишлар.

— Масалан...

— Масалан, одам балоғатга етгандан кейин ота-онасини боқиши керак. Ўша бурч.

— Балоғатга етгунча-чи? Сизнинг ҳозирги вазифангиз нима?

— Яхши ўқиб, ота-онамни хурсанд қилиш.

— Муроджон, нима деб ўйлайсиз, иқтисодий қийинчилик ёмонми— маънавий ожизликми?

— Менимча, маънавий ожизлик ёмон. Чунки маънавий ожиз — билимсиз бўлсак иқтисодий муваффақиятларга ҳам эришолмаймиз.

— Мактаб даври билан талабалик ҳаёти орасидаги фарқ сезиляптими?

— Сезиляпти. Мактаб яхшийди, ўртоқларим ўзим билан тенг эди. Вақт кўп бўларди. Университетда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Дарслардан кейин ҳам ўқув залларида тайёрланамиз. Ундан кейин мактабда фанлар жуда кўп эди. Масалан, 11 синфда 25 хил фан кирган. Бу ерда атиги 7-8 та предмет ўтилади.

— Қайси фанлар қизиқарлироқ?

Бугуннинг боласи

— Ҳаммаси — муҳим. Лекин мен инглиз тили билан сиёсий назарияни кўпроқ ёқтираман.

— Университетни тамомлаганингиздан кейин нима иш қилишингизни биласизми?

— Биламан. Хорижий давлатлар билан Ўзбекистонимизнинг муносабатларини ривожлантиришда ёрдам бераман.

— Қайси хорижий мамлакат ҳақида кўпроқ билгингиз келади?

— Швейцария ҳақида билгим келади.

—Нима учун?

— Чунки Жаҳон банки ўша ерда жойлашган.Швейцарияни энг чиройли мамлакат дейишади.Ҳамма давлатлар унга ўхшашга ҳаракат қилишади. Шунинг учун мен ҳам боргим, кўргим келади.

— Газеталарда чиқиш, журналистлар билан гаплашиш сизга ёқадими?

— Ёқади. Эсдалик бўлиб қолади деб ҳаммасини йиғиб қўяман.

— Уйда ким билан кўпроқ яқинсиз?

— Ҳамма билан. Дилдаги гапимни опамга ҳам, адамга ҳам айтавераман.

— Муроджон, мустақил бўлганимизга беш йилдан ошди. Шу вақт ичида юртимизда қандай ўзгаришлар юз берди, деб ўйлайсиз?

— Кўчаларимиз, бозорларимиз чиройли бўлди. Янги битган биноларни кўрсам суюниб кетаман.

Суҳбат давомида Муроджон ўзини жуда эркин ва хотиржам тутди. Мени эса боя айтганимдек, бу кичкина талабанинг катта салобати босиб тургандай ортиқчароқ савол беришга ҳам ботинолмадим. Шоирлар, ҳофизлар, ҳатто олимлар билан суҳбатлашганимда ҳам бундай бўлмовди-ку, деб ўзим ҳам ҳайратландим. Билимга— эзгуликка ташналик одамни сирли ва улуғ қилиб кўрсатаркан-да, деб ўйладим. Муроджонга эса ҳамиша юксакликнинг, эркинликнинг, хотиржамликнинг тимсоли бўлиб ва бизларни ҳайратга солиб юраверинг, дегим келди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЗАФАРНОМА»НИНГ ЎЗБЕКЧА НОМАЪЛУМ ТАРЖИМАСИ

Мозийдан бир садо келди

Шарафутдин Али Яздийнинг буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларига бағишланган «Зафарнома» асари ўрта асрларда бутун Шарқ мамлакатларида машҳур бўлган. Сабаби аён: чунки форс тили ўша даврда ўлкаларга кенг ёйилган эди. Бу асарда Амир Темур ва фарзандларининг қаҳрамонона тарихи баён қилинганлиги сабабли унинг туркий халқлар тирихида тутган буюк аҳамиятини тушунган Шайбонийлар ўзбек тилига таржима қилиб, янада кенгроқ ёйилишига ҳаракат қилганлар. Таржима 1510 — 1529 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласининг учинчи хони, маърифатпарвар Кўчкинчихон фармонига биноан амалга оширилган. Бу фармонга кўра Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий 1519 йилда «Зафарнома»ни ўзбек тилига таржима қилган. Замона зайли билан бу нодир асар XVIII асрда Туркияга бориб, турк султони вақфига айланган. Ҳозир у Истанбулдаги Аё София кутубхонасида сақланмоқда. Профессорлар Ашраф Аҳмедов ва Ҳайдарбек Бобобековлар саъй-ҳаракати туфайли бу асардан нусха олиниб, шу кеча-кундузда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида китоб ҳолида нашр қилинмоқда.

Қўлёзма 320 варақдан иборат. Ҳар бетда 19 сатр ёзув бор. Хати настаълиқ. Олимларнинг таъкидлашича, Муҳаммад Али асарни ўзбек тилига тўла таржима қилган. Фақат асар матнига бевосита алоқаси бўлмаган байтларнигина тушириб қолдирган. Таржимон Қуръони каримдан олинган оятларни асл ҳолича қолдирган, айрим жойлардагина уларни таржима қилган. Шарафутдин Али Яздийнинг жимжимадор услуби ўзбек тилига бирмунча содда тилда ағдарилган. Муҳаммад Али Бухорий таржима жараёнида ўзбек тили луғат бойлигидан тўлиқ фойдаланган, форсий сўзларнинг туркий муқобилларини топишга ҳаракат қилган. Масалан, форсий кабутар ўрнида туркий кўкарчин, аста-аста ўрнида ақарин-ақарин бирикмалари ишлатилган. Шунингдек, душман ўрнида туркий йағи, вилоят, ноҳия ўрнида жирга, гуноҳ ўрнида туркий ёзуқ сўзларидан фойдаланган. Қўлёзмада айрим сўзлар ўша давр шевасига мос ҳолда ёзилган. Чунончи юбормоқ сўзи йибармоқ, юрмоқ калимаси йўримоқ шаклида учрайди.

Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйи муносабати билан нашр қилинаётган бу китоб XVI аср миниатюралари билан безатилган. Асар нафақат тарихчиларга, балки адабиёт ва эски ўзбек тили мутахассислари, қолаверса, халқимиз учун катта аҳамиятга эга. Чунки у XVI аср бадиий прозасининг энг йирик намунасидир. Агар «Бобурнома» 1525 — 30 йилларда асосан Ҳиндистонда яратилган бўлса, «Зафарнома» бевосита қадимги Ўзбекистон тупроғида эски ўзбек тилида яратилган биринчи буюк ёдгорлик эканлиги жиҳатидан жуда қимматли ҳисобланади.

Эргаш УМАРОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO
АГАР СИЗГА ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЖИДДИЙ ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА БАРҚАРОР ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЯХШИ ХАҚ ТЎЛАНАДИГАН ИШ КЕРАК БЎЛСА...
Унда Сиз ЎЗБАТ АЖ. ҚКга ишга келинг
Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни ишга қабул қилмоқда:
- техник-механик
- электрон жиҳозлар созловчиси
Бунинг учун:
ёшингиз 35 дан ошмаган бўлиши,
Махсус ўрта ёки олий техник маълумотга эга бўлсангиз
Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёр бўлсангиз.
Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёр бўлсангиз.
Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирса
СИЗНИ АЖОЙИБ КЕЛАЖАК КУТМОҚДА!
ВА ЯНА...
Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга Тошкент тамаки фабрикасида, ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасида иш таклиф қилинади.
Бунинг учун...
Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.
Тўлдирилган анкеталар ўрганиб чиқилганидан кейин бир ой муддат ичида номзодлар суҳбатга таклиф қилинади.

Тошкент ш.	Самарқанд ш.	Ургут ш.
Носиров кўч. 77,	Рудакий кўч. 150	Навоий шох кўч. 10
Тошкент тамаки фабрикаси	Самарқанд тамаки-ферментация заводи	Ургут тамаки-ферментация заводи

Мамлакатнинг Буюк келажаги сари қадам ташланг!

Матбуотда реклама беришни истайсизми?
Ҳаммасини ўзимиз бажарамиз. Қўшимча тўловлар талаб қилинмайди!
Фақат қўнғироқ қилсангиз бас!

Бизнинг пейджерлар: (067) 464 ёки 5109

СП «ИНМАРК»
предлагает:
- кафель-евростандарт
- сантехника
- ванны обычные и с гидромассажом
- двери и окна деревянные со стеклом
- кухонные и ванные гарнитуры
-высококачественную мужскую обувь производства Турции.
- одежду официальных лиц (сотрудников милиции, налоговых служб, военнослужащих и т.д. обувь и форменная одежда.)

г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 78

СП AGG LTD CO
предлагает
сервисное обслуживание автомобилей иностранного производства «Мерседес», «BMW», «РЕНО» и т.д.

гостиница "Турон" — ул. Юсупова — ул. Абая — ул. Кадыри — СТО "ИНМАРКЕТ"

Тел:(3712) 44-81-92, 44-81-93, 44-09-24
Факс: (3712) 89-16-48

"ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни:

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*

ва уларнинг эҳтиёт қисмларини СОТАДИ.



Шошилинг, нархлари энг арзон!

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А.
Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

Диққат, обуна бошланди!
"ОБУНА 96"
ОСИЁ БОЗОРИ

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Муҳтарам газетхон!
Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:
- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

БУ - ОСОН - ҚУЛАЙ - ФОЙДАЛИ !

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" иқтисодий-ахборот, реклама иловаси маркетинг ва реклама соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзил:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар:
33-79-14, 33-54-55.

ВАКАНСИИ

Посольство в Ташкенте открывает две вакансии ва должность телефонистки и переводчика. Кандидаты должны быть из числа выпускников факультетов английского языка института/университета. Предпочтение отдается лицам имеющим хорошие знания узбекского, русского и английского языков, а также опыт работы на компьютере. Заявление с автобиографией, копией дипломов, медсправкой и 2 фото следует представить до 25 октября 1996 года по адресу: ул. Гоголя, 73.

Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1993 йилда Исоқова Умида Абдуҳамидовна номига берилган №028540 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси нашриёт муҳаррири Фарогат Камоловага отаси **Икром КАМОЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.